VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

19 (28) 2009 йил 13 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



### Жамият таянчи

Ҳар томонлама етук фарзандларни вояга етказишда оила муҳим рол ўйнайди. Шу боис мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

➔ 3-бет



### Чорсу

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг ғурур ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир".

➔ 5-бет



### Оила — жамият ва давлатнинг асосий бўғини

Оила ва унинг жамиятдаги ўрни масаласини ҳуқуқ, тарих, социология, психология, педагогика, демография, этика сингари фанлар асрлар мобайнида ўрганиб келган.

➔ 6-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
- Аниқ таклифлар ва лойиҳалар
- "Ёшлар қаноти"

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Тарғибот кўлами кенгаймоқда
- Глобал жараёнлар ва маънавият

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Диний ақидапарастликка қарши кураш
- Орол — умумсайёравий фалокат

МАЪНАВИЯТ 5-бет
- Ёшлар маънавиятини юксалтириш
- Миллий қадриятлар
- Битирувчилар касбга йўналтирилади

ЖАРАЁН 6-бет
- Ёш ҳамкасбимга "айтув"ларим

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
- Беқарорлик таҳдиди
- Мадрид
- Дунёдан дараклар

МАДАНИЯТ 8-бет
- Шоён санъат кошонасида
- Турфа олам



Ватанимиз ёшлари замонавий билимларни эгаллашмоқда

ИЖРОИЯ ҚЎМИТАДА

## Долзарб масалалар муҳокама қилинди

ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитасининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараёнларга нисбатан партия позициясини белгилаш ва шу йилнинг декабрь ойида Парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов Ўзбекистон истиқлолнинг илк дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқиб, ўтган йиллар давомида буни муваффақиятли амалга ошириб келаётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимиз узоқ яқин давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. Айниқса, Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, минтақадаги барча муаммоларни ўзаро ҳурмат ва келишув асосида ҳал қилиш, шунингдек, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича давлатимиз раҳбари ташаббуслари бугун ҳаётда ўз ижобатини топмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилишда минтақада яшаётган барча халқларнинг келажаги ва манфаатларини ҳисобга олиш мамлакатимизнинг қатъий позициясига айланган. Айни шу масалалар юзасидан ЎзМТДП ташкилотларида ишлаб чиқилган иш режаларини собит қадамлик билан амалга ошириш бугунги кунда партиямиз олдида турган асосий вазифадир ҳамда биз умуммиллий масалаларга ўзимизни бевосита дахлдор деб яшашимиз керак, — деди партия раҳбари.

Кенг жамоатчиликни, айниқса партиянинг ижтимоий қатламини сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқарода, ёшларда мустақил ва мустаҳкам позицияни шакллантириш зарурлиги йиғилишда алоҳида қайд этиб ўтилди.

Кун тартибидаги шу масала юзасидан партия МК Ижроия қўмитаси иш ва чора-тадбирлар режасини белгилади.

Ижроия қўмита йиғилишида жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш масаласи ҳам кенг ва атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси аъзоларидан А.Маматов, Ж.Сафоев, Ш.Умарова, У.Муҳаммадиев, У.Жальменов, А.Эшмуродов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижро учун жойлардаги партия ташкилотларига етказилди.

## Ташриф самарали бўлди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 12 май куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.**

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Ўз даврининг етук алломаси бўлган бу зотнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам юксак қадрланади. Мирзо Улуғбек илми нужум бобида тенгсиз олим бўлгани баробарида, илм-фаннинг бошқа соҳаларини ҳам чуқур ўзлаштирган, айни пайтда улкан салтанатни бошқарган. Ли Мён Бак Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Президентлар Афросиёб музейи, Регистон мажмуи ва Гўри Амир мақбарасини бориб кўрдилар.

Ли Мён Бак Регистон мажмуида миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирар экан, машҳур Самарқанд қоғозига эътибор қаратди. Қадимда шаҳар ҳунармандлари тут новдаси пўстлоғидан қоғоз ишлаб чиқарган. Гарчи, бугун саноатда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлса-да, самарқандлик усталар ота мерос ишини давом эттирмоқда. Уларнинг икки минг йил давомида бузилмай турадиган маҳсулотига сайёҳлик фирмалари ва ҳатто хорижий компаниялар ҳам буюртма беради. Жанубий Корея раҳбарида Самарқанд қоғозининг кашф этилиш тарихи, тайёрлаш технологияси қизиқиш уйғотди.

Олий мартабали меҳмон инсоният даҳосининг тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари ўзида катта таассурот қолдирганини, бу кўҳна ва навқирон шаҳар зиёрати бир умр ёдида қолишини таъкидлади. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш билан бир қаторда, миллий-маданий қадриятларни тиклаш, осори-атиқаларни асраб-авайлаш, қадимий обидалар атрофини ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлганини қайд этди.

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди, дейиш учун барча асослар бор. Ташриф асносида давлатлараро миқёсда, вазирлик ва идоралар даражасида кўплаб ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Дўрмон қароргоҳида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаган бўлса, Ўзбекистон-Жанубий Корея бизнес-форуми инфратузилмани ривожлантириш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, минерал ресурсларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги турларини йўлга қўйиш, транспорт соҳасида ҳамкорликка оид ва бошқа қатор келишувлар билан якунланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## Хотира ва Қадр

### тушунчалари ЎзМТДП тадбирларида ҳам акс этмоқда

*Инсон умрининг мазмуни, унинг бошқалар қалбидан жой олиши, қадр ва эътибор топиши билан мукаррамдир. Боиси, бунда меҳр-оқибат, мурувват, ҳурмат-иззат, саховат деб аталмиш тирикликнинг энг олий қадриятлари мужассам.*

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунида буни яна бир бора дилдан ҳис этамиз. Шу боисдан ҳам бу кунда уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга эътибор кўрсатиш эзгу анъанага айланган.

Айтиш керакки, истиқлол йилларида бу кун ҳақиқий маънода инсон қадри ва хотирасига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган тарихий санага айланди. Хотира ва қадрлаш – инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Бу мезонларнинг партиявий ғоя ва мақсадлар билан уйғунлашиб кетганлиги ва муштараклиги эса ҳар биримиздан уларнинг умри боқийлиги ва яшовчанлигини халқимиз маънавий ҳаётидан янада чуқурроқ жой олишини таъминлашга ҳисса қўшишга ундайди.

Ушбу сана муносабати билан партия ҳудудий ташкилотлари томонидан жойларда тадбирлар, маданий-маърифий учрашувлар ўтказилди.

Шундай тадбир ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши томонидан Хотира майдонида ташкил этилди. Ушбу тадбир "Хотира ва қадрлаш куни – ўзаро меҳр-оқибат намунасидир" деб номланди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, партия фаоллари билан бўлиб ўтган мазкур тадбирда икки аср юкини елкасида тутиб, сизу бизга тинч ва осойишта, дориламон кунларда яшаш саодатини тутқазган нуронийларга иззат-икром кўрсатилди.



Дастлаб йиғилганлар Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди ва ўтганлар ёдига бир дақиқа сукут сақладилар.

Унда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Абдужаббор Сайдуллаев Ватанимиз тинчлиги, шу тинчлик учун жонини фидо, кўксини қалқон қилганлар хотираси ҳамиша муқаддас эканлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

## Миллий манфаатлар ҳамиша устувор

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни бутун мамлакатимизда кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари байрам куни журналистлар билан суҳбатда ушбу санани халқимиз ва мустақил юртимиз тарихи, бугуни ва келажагида тутган ўрни ва аҳамияти, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш хусусида ўз фикрларини билдирди. Айниқса юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва қадрлаш, узоқ-яқин қўшниларимиз билан ўзаро ҳурматга асосланган манфаатли ва дўстона алоқаларни давом эттириш, хусусан, ён қўшнимиз Афғонистонда вужудга келган мураккаб вазиятни юмшатиш, жафокаш афғон тупроғида тинчлик ўрнатиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

(Давоми 4-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

МУҚАДДАС ҚЎРҒОН



# Оила — жамият ва давлатнинг асосий бўғини

барkамол авлод соғлом оиладагина камол топади

**„Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир."**

**Ислом КАРИМОВ**

**Ашир**қ**ул ЭШБЕКОВ,**
**Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

Оила ва унинг жамиятдаги ўрни масаласини ҳуқуқ, тарих, социология, психология, педагогика, демография, этика сингари фанлар асрлар мобайнида ўрганиб келган. Шундан ҳам оила жамиятнинг минг йиллар давомида шаклланиб, аҳолининг кўпайиши, ёш авлод тарбияси ва ижтимоий мослашувида муҳим бўғин ҳисобланишини билса бўлади. Дарҳақиқат, оила жамиятнинг соғлом, баркамолликка етакловчи табаррук масканидир. Инсоннинг ҳаётий тушунча ва тасаввурлари дастлаб оила бағрида шаклланади.

Оила аталмиш миттигина "Ватан" ниҳоятда ажойиб тилсимларга тўла. Уни жамиятнинг бир бўлаги деб талқин этилишида ҳам олам-олам мазмун-моҳият бор. Қадимий манбаларда ҳам айнан биз сўз юритаётган оила масаласига алоҳида эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз. Негаки, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, ривожланиши ва ниҳоят, мустаҳкам илдиз отиши энг аввало ана шу оилалар тинчлиги, аҳиллигига бевосита боғлиқ бўлган.

Оила жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, барқарор ва тинч тузилмасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади.

Оила шундай маконки, унда авлодлар камол топади, инсоният насли бардавомлиги таъминланади, бола тарбияси, ёш авлоднинг жамиятга мослашуви, шахс тарбияси амалга ошади. Бу жиҳатдан оила жамиятдаги меҳнат ёшига етмаган ёки ёши ўтган аҳоли қатламларини муҳофаза қилишнинг асрлар давомида шаклланган кўринишидир.

Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асосий, муҳим бўғини сифатида қаралади. Зеро, комил инсон, аввало, оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом оилавий муҳитни шакллантириш ва шу орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Ана шу сиёсатнинг ҳуқуқий асоси, биринчи навбатда, Бош Қомусимиз Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилиши ва махсус "Оила" бобининг киритилишида рамзий маъно бор.

Мазкур бобда жамиятнинг етакчи бўғини саналмиш оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга бошқа давлатлар конституциясида учрамайдиган, миллий менталитетимизга хос фазилатлардан келиб чиқиб, ота-оналар фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиши конституциявий мажбурият сифатида мустаҳкамланган.

*Таъкидлаш жоизки, оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган, ғоят муҳим ҳаётий қадриятларидан биридир.*

Таъкидлаш жоизки, оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган, ғоят муҳим ҳаётий қадриятларидан биридир. Конституциямизнинг 63-моддасида оила қадри ўзининг шундай юридик талқинини топган: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади».

Оилага оид ҳуқуқий муносабатлар мажмуаси бўлган «Оила кодекси»да қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ҳамда бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишга оид ва бошқа қоидалар белгиланган. Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда оила манфаатларини таъминлаш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида етарлича қонунчилик асослари яратилди.

Никоҳ-оила вужудга келишининг бирдан бир асоси. Оила тинч-тотувлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида «Оила кодекси»га янгилик сифатида "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш" қоидаси кириб келди. 2002 йил 13 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди ва у матбуотда эълон қилиниши билан амалга киритилди. Унда «Оила кодекси»нинг 17-моддаси матни қуйидаги таҳрирда баён этилди: "Никоҳланувчи шахслар давлат соғликни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикдан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади."

Жиззах вилоят адлия бошқармаси тизимидаги ФҲДЁ бўлимлари томонидан 2008 йил давомида 8831 та тиббий кўрикдан ўтган ёшларнинг никоҳлари қайд этилди. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш каби муаммоларни ҳал қилади. Зеро, икки ёшнинг ҳали қонуний никоҳдан ўтмай туриб, бир-бирларининг соғлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши оила мустаҳкамлигининг гаровидир.

Биз қураётган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлиги ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади.

Шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлиги, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган, дастурий мақсадларга асосланган ишлар олиб борилмоқда ва бу ўзининг ижобий натижасини бериши муқаррар.

ЖАРАЁН

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

# Ёш ҳамкасбимга "айтув"ларим

*Биз катталар ёшлар олдида ҳамма жойда ва ҳамиша қай бир маънода бурчдормиз. Айтайлик, оилада иқтисодий муаммоларни ҳал қилгандан кейин ҳам фарзандларимизга рўзғор юмушларию маънавият масалаларини ўргатиб-уқтириб боришда, бу ишларда аввало ўзимиз шахсий намуна кўрсатишда бурчлимиз. Маҳалла-ю кўча-кўйда одобу тарбиямиз билан, хайрли ишлардаги ташкилотчилигу шу аснодаги мағизли сабоқларимиз билан ёшларга ибрат бўлмоқлик ҳам бурчимиздир.*

**Салима УМАРОВА**

Ишхонаю касб-кор соҳасидаям ана шундай ибратли фазилату жиҳатлар билан намуна бўлганимиз ҳолда соҳага эндигина кириб келаётган ёш кадрларни баркамоллик сари етаклаб, етук мутахассис бўлиб етишувларига жон куйдирмоқлик бурчдорлигимизнинг навбатдаги қиррасидир. Шу аснода бугун мен яқин-йироқда қалам тебратаётган, азизлиги фарзандим қадарлик, суюк ва умидбахш дунёлар — журналистика соҳасининг истиқболи бўлган ёшлар ижодини кузата туриб, ана шундай бурчдорликнинг юкини теран ҳис қилаяпман. Шу боис ҳам кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, уларга нимадир сўз айтишим лозимлигинида англаяпман бугун.

Умид қиламанки, буни ҳурматли ўқувчи ҳам тўғри ва самимий қабул қилади.

**Ичидами, орасида?**

Табиийки, журналистика факультетида ўқиганларингиз "**ОАВда ўринсиз сўз қўлланиши"** бўйича сабоқ олиб, ҳатто ёзма ишлар ҳам топширган бўлишингиз керак. Лекин нимагадир бугун ўзингиз ёзган қораламаларингизда (сўз бойлигингиз камлигиданми) ана шу қусурга йўл қўйяпсиз. Масалан, нашрларда чоп этилган мақола, лавҳа, суҳбат ва турли жанрлардаги чиқишларингизда бу нарса ботбот учраётир.

*Балки эътиборсизлик, балки сўз мазмунига унчалик аҳамият бермаслигимиз оқибатида ёзганларимизда яна бир хил такрорни қўллашимиз кузатилаяпти. Айримларимизнинг "иш"ларимизда эса бу нарса одатий ҳолга айланиб қолгандай. Масалан, "Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида", "Эртанги кун истиқболларига" деган жумлаларни олайлик.*

Мисолларга мурожаат қилайин.

**"Мисқоллардан кенг хирмон тиклаётган пахтакорга осон эмас",** деб ёзибсиз бировингиз.

Ҳовли сатҳи кенг бўлар, дала-ёвон кенг бўлар, кийим кенг, кўнгил кенг, кўприк кенг ва ҳоказо бўлар, хирмон кенг бўлмайди-да. Демоқчиманки, катта хирмон, баланд хирмон, юксак хирмон, сарбаланд хирмон ва ҳоказо жумлалар ишлатилганда юқоридаги гапимиз табиийроқ чиқар эди.

Ёки "7 нафар ёш мактабга қайтарилди", деган гапга мурожаат қилайлик. Ёшлар лицейу коллежларда, олийгоҳларда ўқишяпти, ишлаяпти. Мактаб ўқувчиси экан, уни ёш деб эмас ё бола, ё ўсмир деб атамоқ керак.

Хуллас, "7 нафар бола ёки 7 нафар ўсмир мактабга қайтарилган", десангиз тўғри гап тузиб, сўзни тўғри қўллаган бўлур эдингиз.

**"Газетани тўрт-беш бўлакка қатлай бошлади"** деган гапингиз ҳам юқоридагидай камчиликнинг бошқа бир кўриниши, холос. Чунки **бўлак** сўзининг ўзиёқ синиқлик, алоҳидалик, йиртиқлик, ажратилганликни кўз олдимизда намоён қилади. Ваҳоланки, гап мазмунини қатлаш хусусида бормоқда. Аслида шу жумлани **"газетани тўрт-беш марта букладди"** тарзида ёзиш тўғрироқ бўлар, гап ҳам табиийроқ тузилар эди.

Яна бир ҳаётий воқеа тафсилоти берилган мақолада ўғлини уйлантираётган ёшдаги аёлнинг **келинчак,** деб аталгани-чи?! Ҳатто бу ўрта ёшли аёлни жувон дейишга хижолат бўласан киши.

Бошқа бир ахлоқ-одоб мавзуидаги мақолада эса "У қизнинг суяги енгил", деб суюқоёқликка баҳо берилаётир. Ваҳоланки, бундайларни енгилоёқ, деб баҳолангувчи эди. "Суяги енгил" деган ибора эса беморлигу сиҳатликка дахлдор фразеологик атама ҳисоланиб, халқ орасида "бугун суягим оғир бўлиб турдим", "ҳозир суягим анча енгил" тарзида қўлланиб келинади

Кези келганда яна бир ўринсиз қўлланиб, зиёли ўқувчи ғашига тегадиган сўзга эътиборимизни қаратайлик. "Одамлар ичида узоқ қолиб кетди", "Қизлар ичида энг уқувлиси", "Шифокорлар ичида энг ҳалолқўли, фидойиси" каби жумлалар ҳам сиртдан қараганда тўғри ёзилгандай туюлади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрилса, "ичида"сўзи нотўғри қўллангани аён бўлади-қолади. Ахир чинданам ичи деганда хос, ички маъно англашилади.Одамларнинг ичи одамлар жисм-жасади ичидир. Шуни "Одамлар орасида узоқ қолиб кетди", "Қизлар орасида энг уқувлиси", "Шифокорлар орасида энг ҳалолқўли, фидойиси" ва ҳоказо тарзида ёзадиган бўлсак, бу борадаги хатомизни ҳам бартараф қилган бўлардик.

Шунингдек, **эътироф** сўзи ўрнида **аҳамият** сўзининг қўлланилиши (мутлақо ёпишмаса-да), "ризқ топади" ўрнида "ризқи унади" жумланинг ишлатилиши юқоридаги мавзумизга дахлдор учраб қолаётган айрим камчиликлардир.

**Такрор "тишга тегади"**

Соҳамизда қалам тебратувчилар билиш ва ундан сақланиши лозим бўлган яна бир камчилик бор. Бу такрор сўз, такрор жумлалар ишлатавериш ҳолатидир. Умуман олганда, радио ва телевидениеда ишловчи ҳамкасбларимиз томонидан ҳам бундай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Фақат сўз оҳангию тасвирлар жилоси, бир сонияда айтилиб ўтилган жумлалар орасида бундай камчиликлар унчалик ҳам кўзга ташланмаётгани рост. Афсуски, босма нашрларда бундай такрорлар ўзини яққол намоён этади.

Кичик ахборотда уч марта **шундан сўнг** сўз бирикмасининг такрор келиши, бир гапнинг ўзида **ёшларнинг** сўзи уч марта такрор айтилгани, яна бир гапда уч ўринда **онаси** сўзининг ёзилиши, хайрия тадбири асосида ўтган бир никоҳ тўйи ахборотида уч ўринда **"5 та ёш оила"** жумласининг қайд этилгани, учта кетма-кет гапда **"садақадир"** сўзининг кесим сифатида такрорлангани чини билан зийрак ўқувчининг "ғашига тегади"ган ҳолатлардир.

Ваҳоланки, уларнинг айримларидан бутунлай воз кечса ёки икки гап бирлаштириб юборилса ҳам ҳеч нарса йўқотилмасди. Қайтанга гап "юпқалашиб", мазмун теранлашиб, мавзу чиройли ёритилишига имкон яратиларди. Айримларини эса синоним бўлгулик олмош сўзларга алмаштириб, гапнинг жозибасини ошириш, юқоридаги ғализликларни йўқотиб юбориш ҳам мумкин эди.

Балки эътиборсизлик, балки сўз мазмунига унчалик аҳамият бермаслигимиз оқибатида ёзганларимизда яна бир хил такрорни қўллашимиз кузатилаяпти. Айримларимизнинг "иш"ларимизда эса бу нарса одатий ҳолга айланиб қолгандай. Масалан, **"Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида", "Эртанги кун истиқболларига"** деган жумлаларни олайлик. Биринчи мисолда икки ўринда йил сўзи такрорланмоқда. Шуни, "Жорий йилнинг биринчи ярмида", десак нима йўқотамиз? Аксинча, такрордан ҳам қутуламиз, гапимиз ҳам ихчамлашиб, мазмун теранлиги ортади.

Иккинчи мисолдаги камчилик айни сўз мазмунига эътибор берилмагани оқибатида келиб чиққандир. Аслида, **эртанги кун** билан **истиқбол** сўзлари мазмунан синоним бўлиб, иккови ҳам келгуси замон, келажакни изоҳлаб келади. Балки маъно кучайтириш учун такрордан фойдаланилаётгандир, дейишимиз мумкин. Бундай бўлганида сўзлар орасига тире қўйиб ёзилиши даркор эди. Ваҳоланки, у ўринда бундай маъно кучайтиришга сира ҳожат ҳам йўқ. Шу боис биридан кечиб, аксинча, кўзланган маънонинг чин атамаси бўлган **фаровонлиги, порлоқлиги** ва ҳоказо сўзларни қўлламоқлик тўғрироқ бўларди.

**Она тилим — ибрат йўлим...ми?**

Кейинги пайтда нафақат босма нашрларда, радио-телевидениеда ҳам тил қоидаларининг бузиб қўлланаётгани факти кўпайиб бораяпти. Энди шу хусусда ҳам тўхталиб ўтайлик. Масалан, "Ҳамма янги бино ҳовлисига тўпландилар", деган гапни олайлик. Эга жамлик маъносини билдирувчи сўз бўлганда, кесим бирлик формада келади. Бу — тил қоидаси. Демак, мазкур гапни "ҳамма янги бино ҳовлисига тўпланди" деб айтишимиз, ёзишимиз жоиз. Аслида, шундай ёзганимизда ёки айтганимизда гап яхлитлик касб этади, тўкилиб уваланмайди. Ёки "1845 қоидабузарлик ҳолатлари", "50 нафар ёш ариза билан мурожаат қилишган", "487 та бўш иш ўринлари" каби жумлаларни ҳам "1845 та қоидабузарлик ҳолати", "50 нафар ёш ариза билан мурожаат қилган", "487 та бўш иш ўрни" тарзида ёзсак ёки айтсак, тил қоидасига амал қилган бўламиз. Тузаётган гапимизнинг ҳам табиийлиги ортади.

Маълумки, доналикни ифодаловчи дона, бош, туёқ, нафар, нусха, туп каби саноқ сонлар тури мавжуд. Улардан ҳар қайсиси мазмун-моҳиятига кўра ҳар нарсани аниқлаб келади. Айтайлик, 30 бош қўй, 3 нусха китоб, 5 нафар ўқувчи тарзида. Афсуски, айримларимиз фақат инсонгагина қўлланиладиган нафар нумеративини ҳайвонгаям, предмету буюмга ҳам қўллайверамиз. Бу, айниқса, кечирилмас ҳолдир.

Бириктирувчи боғловчи вазифасида келадиган-у юкламасидан кейин вергул ишлатишимиз, сўз ўртасида келган кириш сўзининг икки томонидан вергул қўйиб ажратмаслигимиз; ундалма қўлланганда қаерда жойлашганига қараб тиниш белгилар билан ажратиш лозим, шундай қилмаслигимиз; **"Саодат опага эзгу ишларига омад"** тарзида жумла тузиб, ўрин пайт келишиги қўшимчаси- **да** ўрнига жўналиш келишиги қўшимчаси бўлган **га** ни ёзиб, гапимизни ғализ ҳолга солишимиз; қаратқич келишиги қўшимчаси бўлган-**нинг** ўрнида тушум келишиги қўшимчаси-**ни** ни қўллаб, яна шу ҳолатни содир қилишимиз ўзбек тилимиз қоидаларини бузишимиздир. Табиийки, бундай бузилишлар ҳам ёзаётган қораламамизнинг оҳорини тўкади ҳам тил билимдони бўлган зукко ўқувчиларимиз олдида нашримизнинг нуфузини тушириб юборади. Энг ёмони, нашрлардан сабоқ оладиган айрим кишиларнинг билимдонлиги эмас, билимсизлигига хизмат қилади.

**"Эътироф"имиз эътирофга арзисин!**

Энди ОАВни зиёли мухлислар олдида қадрли қиладиган яна бир жиҳат борки, шу хусусидаям бир чимдим тўхталиб ўтайин.

Ёш касбдошим, аслида, Сиз ана шу жиҳатни нимада кўрасиз? Мен эса буни ростликда кўраман. Яъни қай бир инсон ҳақида ёзар эканмиз, унинг ҳаётидаги ибрат-фазилатлари рост бўлишини, эътирофимиз ёлғон бўлмаслигини чин дилдан истайлик ва баҳоли қудрат шундай қаҳрамонларни қидириб топайлик.

Улардан, аниқроғи, ёзганларимиздан мухлисимиз ҳам имкон қадар маънавий озиқ ҳам ибрат тарзида нимадир олсин.

Афсуски, гоҳида айримларимизнинг тажрибасизлик оқибатида танлаган қаҳрамонларимиздан кўнгил тўлмагани рост гап. Мисол тарзида айтайин. Яқинда бир нашрда атиги 7-8 йиллик иш стажига эга, корхонасида хатлар билан ишлаётган жувон ҳақида "Эътироф" рукни остида мақола чоп этилди. (Ҳатто сурати ҳам босилган). Бу портрет мақоладан ўқиб-уққанимиз жувоннинг таржимаи ҳоли ва "билмаганларини сўраб ўрганаётгани" бўлди, холос. Ўқувчига ибрат бўлгулик эса ҳеч нарса топмадик. Ваҳоланки, айни ўша соҳада 30-40 йиллаб, ҳатто жонини фидо қилиб ишлаган муҳтарам Президентимиз айтганлари каби, "элим деб, юртим деб ёниб яшаётган"лар бор.

Шу аснода бир нарсани тўғри тушунишимиз керак. Бу ўринда гап фақат стаж хусусида кетмаяпти. Атиги коллеж талабаси бўлган ўсмирнинг куйган лампани яроқли ҳолатга келтирган ихтироси ҳақида ёзилган мақолани ҳам ўқидим. Очиғи бундан жуда қувондим. Аслидаям, нафақат тенгдошлари, катта ёшдагилар учун ҳам бунёдкорлик, ихтирочилик бобида алоҳида ибрат бўлган бундай ёшларни топиб кўрсатишимиз томошабинга, ўқувчига, эшитувчига нимадир беради. Аниқроғи, бундай қаҳрамонлар кимларнидир ўз ортидан эргаштира олади. Юқоридаги аёлга ўхшаган қаҳрамонлар эса ўқиган, эшитган, кўрган кишининг энсасини қотиради, холос. Энг муҳими, зукко мухлиснинг бундай нарсаларни ёзиб, айтиб- кўрсатаётган ОАВ дан кўнгли қолади.

Шу ўринда бир гапни ҳам айтмоқлик фойдадан холи эмас, деб ўйлайман. Келинг, бугун эл эътироф қилган бирор бир мактабга борайлик. Бошланғич синф ўқувчиларига дарс ўтаётган ўқитувчининг иш жараёнини сиртқи кузатувчи бўлиб ўрганайлик. Кейин ўзимиз ҳам атиги бир соат биргина болага лоақал бир ҳарфни ўргатиш машқини қилиб кўрайлик. Шунда, шубҳасиз, бу касбнинг чин заҳматини юракдан ҳис қиламиз. Ана шундан кейин бундай заҳматли ишда неча ўн йиллаб ишлаб, мунтазам равишда юқори натижаларга эришиб келаётган ўқитувчини танлаб олиб, "Эътироф" деб у ҳақида портрет, мақола ёки очерк ёзишни эплай олсак, бу ҳаракатимиз, албатта, эътирофга арзийди. Шу асно журналист сифатида рост сўзни ҳам айтган-айтолган бўламиз. Уни билган-таниган ҳар бир киши ҳам бизга раҳмат дейди.

Ваҳоланки, ҳар бир соҳанинг ана ўша устозга ўхшаган чин фидойилари бор. Уларни биринчи галда биз журналистлар кўришимиз лозим. Жамоатчилик нигоҳига кўриниб-кўринмаётгани шу ибратли жиҳатларини қаламимиз қурби етгунча элга шоён кўрсатишимиз керак. Уларни бундай чин эътироф қилишимиз эса ортларидан янги-янги фидойилар етишиб келишига замин яратади.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

**Беҳзод ИСКАНДАР**

# Беқарорлик таҳдиди

Афғонистондан қўшни Покистонга ҳам хавф солинмоқда. Мазкур минтақадаги нотинч вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон аниқ позицияга эга

*Минтақавий хавфсизлик ҳақида гап кетганда, Афғонистонни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, бу мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилмас экан, нафақат Марказий Осиё, балки дунё хавфсизлиги жиддий таҳдид остида қолаверади. Шу кунларда Покистон шимолий-ғарбидаги айрим ҳудудларни "Толибон" жангари гуруҳи томонидан яна босиб олиниши жаҳон ҳамжамиятини ва айниқса, Марказий Осиё давлатларини жиддий хавотирга солмоқда. Бугунги кунда Покистонда содир бўлаётган ҳарбий тўқнашувларда Афғонистонда ҳукм сураётган беқарорликнинг таъсири катта. Экстремистлар Покистонда ҳам фаоллашган экан, бу ҳол Афғонистон учун янада ташвишли ҳол саналади. Бу икки давлат ён қўшни, қувончни ҳам, ғамни ҳам баҳам кўради. Мутахассислар фикрича, ҳар икки мамлакатда юзага келган нотинч вазият чегара ва миллат танламас диний экстремизм ва терроризмни янада авж олишига олиб келмоқда.*



Кузатувчиларнинг сўзларига кўра, баҳорда Афғонистоннинг тоғли ҳудудларида музлар эрий бошлагач, йўллар очилиб, жангари гуруҳлар ҳаракатлари авж олмоқда. Гарчи Толибон ҳокимиятдан ағдарилганига олти йилдан ошганига қарамай, мамлакат ҳали ҳам нотинч аҳволда. Табиийки, бу минтақада юз бераётган ҳолатлар Ўзбекистонни ҳам асло бефарқ қолдирмайди. Афғонистондаги вазиятни ўнглаш борасида Ўзбекистон аниқ ва равшан позицияга эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, можарони фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бу борада урушдан азият чекаётган халққа иқтисодий кўмак бериш керак. Зеро, Афғонистондаги тинчлик минтақа учун катта имкониятлар эшигини очиб беради.

Ўзбекистон давлати ва халқи Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, жафокаш афғон халқи тинч-осойишта ҳаёт кечириши, бу мамлакатни барча этник гуруҳлар манфаатларини ифодалайдиган ҳамда диний, миллий-этник, ижтимоий-сиёсий тотувликни таъминлай оладиган куч бошқаришини жуда хоҳлайди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтдан бошлаб, Афғонистондаги вазиятни баҳолаш, юзага келган муаммоларни ҳал этишга кўмак бериш бўйича саъй-ҳаракатларни, шунингдек, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш юзасидан аниқ таклифларни илгари суриб келмоқда. Мамлакатимиз томонидан Афғонистонга нечоғли эътибор қаратилаётгани Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон муаммоси борасидаги нутқ, интервью ва ташаббусларида ўзининг яққол ифодасини топган.

*Президент Ислом Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда ўтган саммитида "БМТ кўмагида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича "6+2" гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини НАТО иштирокида янги "6+3" шаклида қайта тиклаш" борасидаги ташаббуси мазкур анжуман ишида айтилган жиддий таклифлардан бири бўлганди.*

Президент Ислом Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда ўтган саммитида "БМТ кўмагида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича "6+2" гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини НАТО иштирокида янги "6+3" шаклида қайта тиклаш" борасидаги ташаббуси мазкур анжуман ишида айтилган жиддий таклифлардан бири бўлганди. Мутахассисларнинг фикрича, бу таклифга доир шарҳларда айнан шу йўл билан Афғонистонга қўшни бўлган давлатларнинг тажриба ва экспертлик билимларидан фойдаланган ҳолда мазкур мамлакатда ҳамон мавжуд бўлган таҳдидларга ечим топиш мумкинлиги айтилмоқда.

**А.Турсунов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

- Президентимизнинг Афғонистондаги вазиятни ҳарбий йўл билангина бартараф этиб бўлмаслиги, бунинг учун афғонларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, бошқача айтганда, одамларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш каби таклифлари халқаро жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланмоқда. Иккинчи муҳим жиҳат – бу Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлаш борасида фаолият олиб бораётган халқаро коалицион кучлар аввало, афғон халқининг диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиши, кам сонли миллатлар манфаатларини эътиборга олиши зарур. Акс ҳолда ушбу мамлакатда тинчлик ва тотувликни кафолатлаш жуда мураккабдир. Бу Президентимиз айтганидек, Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чора-тадбирлардан саналади. Шунингдек, аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Ҳозир ўзи узоқда бўлса ҳам ўз манфаатини кўзлаб, Афғонистон ҳақида "қайғураётган" давлатлар оз эмас. Аммо Ўзбекистон ва унинг халқи асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб, қардош ва қариндош бўлиб кетган халқнинг хонадонига ҳеч қандай пинҳона мақсадни кўзламаган ҳолда, тинчлик ва фақат тинчлик тилайди.

Айтиш жоизки, аҳолиси қарийб 28 миллион бўлган Афғонистон муаммоси кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. 1979 йил минтақага Собиқ Иттифоқ ўз ҳарбий қўшинларини киритиши минглаб фуқароларнинг ўлимига, миллионлаб одамларнинг қочқинга айланишига олиб келди. 9 йилу 1 ой ва 25 кунга чўзилган бу уруш иттифоққа 15 минг аскаридан айрилиши ва энг ачинарлиси, назоратсиз қолган Афғонистоннинг террорчилар маконига айланишига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, ўтган 30 йиллик беқарорлик одамларнинг қўлига қурол олиб, ўзини, оиласини ҳимоя қилишга мажбур этмоқда.

Мутахассислар жаҳон ҳамжамияти Афғонистонга сиёсий, иқтисодий томондан яқиндан ёрдам бериши, ёруғ йўлларни кўрсатиш лозим, деган фикрда. Мисол учун, мамлакатда йилдан-йилга авж олиб бораётган гиёҳвандлик моддаларини ўстириш эмас, унинг ўрнига буғдой экиш қанчалик фойдали эканини тушунтириш мумкин. Бу аграр соҳага ихтисослашган мамлакат учун муҳим амалий натижалар беради. Албатта, неча йиллар давомида уруш гирдобида ҳаёт кечираётган афғон халқи учун бу жуда машаққатли, таъбир жоиз бўлса, игна билан қудуқ қазишдай гап бўлиши мумкин.

Ҳозир мамлакатда вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг нуфузини мустаҳкамлашга етарлича эътибор берилмаётгани билан боғлиқ. Бу ерда эскириб қолган технологиялар асосида ишлаётган миллий ҳунармандчиликни ҳисобга олмаганда (айни пайтда ушбу мамлакатда 1,5 миллион нафар гиламдўзлар мавжуд) ишлаб чиқариш деярли йўқ. Мамлакатда экинга яроқли майдонлар 17 миллион гектарни ташкил этишига қарамай, шундан атиги қарийб 4 миллион гектарига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экилаяпти, холос. Афсуски, мазкур ҳудуднинг катта қисмини асосан қорадори плантациялари эгаллаган. Шу жиҳатдан Афғонистон ҳамон халқаро миқёсдаги ғайриқонуний наркобизнеснинг таянч нуқтаси бўлиб қолаётир. Маълумотларга кўра, бу ерда жаҳон бозорига етказиб берилаётган қорадорининг 90 фоизи етиштирилиб, бундан олинаётган даромадлар 3 миллиард доллардан ошади. Бу Афғонистон ялпи ички маҳсулотининг 50 фоизини ташкил этади.

Афғонистондаги мураккаб вазият аста-секин "касалланиб" қўшни Покистонга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Айрим мутахассисларнинг фикрича, ўз вақтида кўрилмаган чора-тадбирлар айни пайтда расмий Исломобод учун етарлича бош оғриқ туғдирмоқда. Қолаверса, бугунги диний экстремизм, терроризм билан боғлиқ муаммоларни битта ёки иккита давлатнинг ҳал этиши мушкул. Бошқача айтганда, сайёрамизнинг энг оловли нуқтасига айланиб қолаётган Афғонистон ва Покистондаги сиёсий беқарорликка халқаро ҳамжамиятнинг бирдамлиги, якдиллиги зарур.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ҳар ҳафтада 6 соат

***Ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпи бир ҳафтада 6 соатдан ортиқ "ўргимчак тўри"да ўтирадилар.***



Уларга тақдим этиладиган сайтлар сони эса кун сайин ортиб бормоқда. Қидирув тармоғи ҳисобланган "Google" тарқатган хабарга кўра, тармоқда триллионга яқин сайтлар рўйхатдан ўтган. Шахсий компьютер ва ноутбуклардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам ўсиб, 35 фоиздан 47 фоизга кўтарилди. Қизиғи шундаки, ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, техниканинг бу қадар ривожланганига қарамай, аҳолининг 70 фоизи бир-бировини кўриб туриб суҳбатлашишни афзал билар экан. Деярли 80 фоиз киши телефонсиз ҳаётларини тасаввур эта олмаслигини айтишган бўлса, бор-йўғи 19 фоиз фойдаланувчи телефондан кўра интернетсиз яшаш қийинлигини таъкидлаб ўтган.

## Иккинчи ҳолат

***Қарийб 200 нафар ноқонуний муҳожирлар Италиядан Ливияга қайтиб келишди.***



Италияга боришни мақсад қилган муҳожирлар Лампедуза қирғоғида қўлга олинган. Бу жорий йилда мамлакатда кузатилган иккинчи ҳолатдир. 2008 йил август ойида Италия ва Ливия ҳукуматлари ўртасида "Дўстлик ҳақида шартнома" имзоланган. Унга кўра, Ливия томони ноқонуний муҳожирларга қарши курашиши лозимлиги кўрсатилган. Шунга қарамай, айни шу ҳужжат расман кучга киргач, Италияда Ливиядан келаётган ҳам қонуний, ҳам ноқонуний муҳожирлар сони сезиларли тарзда ошгани кузатилган. Бу ҳақда Рейтер агентлиги хабар тарқатган.

## Ёнилғи манбалари кўпайтирилади

***Европа Иттифоқи тўрт давлат - Миср, Туркия, Озарбайжон ва Грузия билан янги қувурлар қуриш тўғрисида битим имзолади.***




Бу билан Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ёнилғиси бир неча қувур ёрдамида Туркия орқали Европага узатилади. Озарбайжон ва Миср газга бой, Туркия ва Грузия эса ана шу газни транзит қилишда муҳим рол ўйновчи давлатлардир. "Набукко" деб номланувчи қувурлардан бири, Европа Иттифоқи назарида 2014 йилгача ишга туширилиши лозим. Европа Комиссияси президенти Жозе Мануел Баррозонинг айтишича, Европа Иттифоқи лойиҳага ҳуқуқий, моддий ва сиёсий томондан ҳиссасини қўшади. Европа газнинг 25 фоизини Россиядан олади. Аммо январ ойида транзит давлат - Украина билан нарх бўйича юзага келган можаро оқибатида қитъа бир неча ҳафта ёнилғисиз қолганди. Келажакда бунинг олдини олиш учун Европа ёнилғи манбаларини диверсификация қилмоқчи.

**Интернет хабарлари асосида Шаҳбоз ИЗЗАТУЛЛАЕВ тайёрлади**

**РАНГИН ДУНЁ**

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

# Мадрид

## Испаниянинг нафақат пойтахти, балки тарихий-маданий маркази ҳамдир

*Испаниянинг пойтахти — Мадрид шаҳри Пиреней ярим оролининг энг марказий қисмида жойлашган бўлиб, у Европанинг қадимги шаҳарларидан бири ҳисобланади. Ундаги қатор меъморий обидалар, қиролларнинг қадимий саройлари, музей ва черковлар ҳозирги кунга қадар ўз чиройини йўқотмаган.*

Афсоналарда айтилишича, Тибр дарёсининг худоси Тибериннинг ўғли Окни Мадрид шаҳрига асос солган экан. Шунингдек, Мансанарес дарёси ёнида Мантуя Карпетанская қасрининг қурилиши шаҳарнинг илк илдиз отишига имкон берган. "Мадрид" сўзи кельтларнинг "Магерик" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "катта кўприк" маъносини англатади. Тахминан 932 йилда шаҳар Мажирит қасри ёнида қад ростлайди. 1083 йилда қирол Альфонс IV шаҳарнинг ривожланиши ва маданий ўсишига катта аҳамият беради. Айниқса, 1570-1670 йиллар давомида шаҳар янада замонавий кўринишга эга бўлади. Айтишларича, қачонлардир шаҳарни ўраб турган тўртта дарвоза мавжуд бўлган. Гарчи қадимги дарвозалар ҳақида маълумотлар у қадар кўп бўлмаса-да, Филипп IV ҳукмдорлиги даврида шаҳарнинг энг сўнгги, тўртинчи дарвозаси қуриб битказилгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Кейинчалик, Филипп V даврида 1734 йили ёниб кетган "Алькасар" саройи ўрнига янги сарой қурилиши бошлаб юборилади. Тарихчилар "Алькасар" саройи ўзининг сирли лабиринтлари билан ўша даврда жуда ҳам машҳур бўлган, дейишади. Янги саройнинг ҳам ниҳоятда гўзал ва сирли бўлишини хоҳлаган қирол бу ишни ўша даврнинг энг машҳур меъморларига ишониб топширган. Италиялик меъморлар Филипп Ювар, Жованни Сакетти, Сабатини ҳамда Вентуранинг маҳоратлари эвазига сарой тезда қад кўтаради. 1738 ва 1764 йиллар давомида қурилган саройга илк бор қирол Карл III қадам қўяди. Ҳозирги кунда саройнинг маълум қисми музейга айлантирилган.



Кейинчалик қирол Фердинанд VII ва малика Изабелла II Мадриднинг маданий ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Бироқ, ана шу даврда шаҳарнинг қадимги дарвозалари бузиб ташланади, фақат биргина Алькала деворининг айрим қисми омон қолган. Шаҳарнинг энг муҳим маданий асори-атиқаси ҳисобланмиш "Прадо" музейига ҳам ана шу даврда асос солинган. Бундан ташқари "Малика София" ва "Тиссен-Борнемис" музейлари шаҳарнинг қадимги музейлари сирасига киради. "Прадо" музейида асосан замонавий санъат дурдоналари жамланган бўлса, "Малика София" музейида Пабло Пикассо, Сальвадор Дали ва Жоана Миронинг машҳур санъат асарлари жой олган. "Тиссена-Борнемиса" музейида ҳар бир асрга тааллуқли бўлган тарихий санъат дурдоналари сақланади.




Мадридга янада кўрк бағишлаб турган иккита қадимги майдон шаҳар тарихида алоҳида ўрин тутади. Улар "Пласа Майор" (Plaza Mayor) ва "Пуэрто дель Соль" деб аталади. Пласа Майор майдони Филип III давридаёқ меъмор Хуан Гомес де Мора бошчилигида қурилган. Икки йил давомида қурилган майдонда 136 та бир-биридан кўркам бинолар ўрин олган. Бинолар дарчасидан саройда ўтказиладиган маросим ва тадбирларни маҳаллий аҳоли бемалол томоша қила олган. Шунингдек, Габсбурглар салтанатининг биринчи қироли бўлган Филип III нинг улкан ҳайкали майдонга янада салобат бахш этиб турибди.

Пуэрто дель Соль — испанча "Puerta del Sol" сўзидан олинган бўлиб "қуёш дарвозаси" маъносини англатади. Малика Изабелла II нинг ушбу майдонда қурдирган бинолари ҳамда Янги йил келганини билдириб турадиган осма соат ҳам ҳанузгача ўз чиройини йўқотмаган. Ушбу майдон Испаниянинг энг марказий нуқтаси ҳисобланади. Бадиий Академия биноси ҳам ана шу майдонда бўлиб унда машҳур Пикассо ва Дали таҳсил олган. У ерда икки осмонўпар бино, минора ҳам мавжуд. Бири "Мадрид минораси" бўлса, иккинчиси "жирафа" лақабини олган "Испания" минорасидир. Иккала минора XX асрнинг 40-50 йилларида қурилган.

Шаҳардаги қадимги черковлардан бири — Энкарнасьон черкови 1611 йилда қурилган бўлиб, унга Филипп III нинг аёли Маргарита Австрийская асос солган. Малика черковнинг меъморлари Хуан Гомес ва Альбертодан ушбу черков бошқаларга нисбатан ўзгача бўлишини талаб қилган экан. Вақт эса меъморлар маликанинг ишончини тўла оқлай олганини кўрсатиб турибди.

Испанияликларнинг маданият тарихи ҳақида сўз кетганда албатта, буқалар жангини эсламасликнинг иложи йўқ. Дунёга машҳур буқалар жангига қачон асос солингани ҳеч кимга маълум эмас. Бироқ, XVIII асрнинг бошларида Пласа Майор майдонида отлиқлар жанги ўтказилар эди. 1929 йили Алькала дарвозаси ёнида улкан "Лас Вентас" аренаси қурилганидан сўнг, ҳар йили март ойидан октябрь ойигача ҳар якшанбада буқалар жанги ўтказилиши одатга айланган. Шунингдек, ҳар йили 1 майдан 30 майга қадар бўлиб ўтадиган буқалар жангини кўриш учун бутун дунёдан ишқивозлар ва сайёҳлар келишади. "Лас Вентас" аренаси 23 минг томошабинга мўлжалланган бўлиб, унинг дарвозаси ёнида жангда ҳалок бўлганларга ҳамда пенициллинни кашф қилган Александр Флемингга бағишлаб ҳайкал ўрнатилган. Флемингнинг ана шу кашфиёти сабаб буқалар жангида яраланган бир қанча матадорлар омон қолишган экан. Испанларнинг севимли ва қадрли ушбу байрами инсон ҳаёти учун хавф туғдирса-да, улар анъанани ҳанузгача давом эттиришади. Ҳатто, Мадрид шаҳрида матадорлар, уларнинг ўқ-ёйлари, антиқа либослари ҳамда мўмиёланган буқалар сақланадиган музей ҳам бор.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ва байрамлари антиқа ва такрорланмас бўлади. Гарчи, испанларнинг байрамлари ниҳоятда кўп бўлса-да, уларни дунёга танитган айнан буқалар жанги ҳисобланади.

